

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



**«ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ГЛОБАЛИЗАЦИЯСИ ШАРОИТИДА
ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ РИВОЖЛАНИШНИНГ УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАРИ»**

Халқаро илмий-амалий анжуман

**«ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ИНДУСТРИИ ТУРИЗМА В
УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ МИРОВОЙ ЭКОНОМИКИ»**

Международная научно-практическая конференция

**«FRONK RANK ITERNATIONAL ECXPERIENSE OF DEVELOPMENTOF
TOURIZM BIZNESS AND PROSPEKTS OF ITS US USE IN UZBEKISTAN»**

international scientific-practical conference

Мақоллар тўплами

2019 йил 10 октябрь

Тошкент – 2019

	шакллантириш манбалари.....	588
Примкулов Б.	Хоразм вилоятида туризмни ривожлантиришда туристик ресурслар ва маршрутларнинг роли.....	592
Rajabova A., Qudratov M.F.	Turizm-XXI asr resursi.....	595
Рахимбобаева Н.А., Рахматова Д.Н.	Туризм фаолиятини ривожлантиришда музейларнинг тутган ўрни.....	601
Мухамеджанова К.А.	Supply chain management of fruits and vegetables.....	603
Umirova D., Adilova D.	Turizmni rivojlantirishda hududiy distinciylar ahamiyati.....	605
Юлдашев Ж.	Тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган янги хизмат турларини жорий этиш истиқболлари.....	607
Шарафутдинова Ф.Б.	Укрепление взаимосвязи субъектов социальной сферы с производственными предприятиями в контексте оказания социальных услуг.....	611
Бобожонов А.Б.	Ахборот бизнесининг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири.	617
Sharafutdinova F. B.	Ijtimoiy-iqtisodiyotni rivojlantirishda realitatsion sport majmualarining o'g'ni.....	623
Эрматов Н. Т.	Худуд инвестицион салоҳиятини бошқариш масалалари	626
Садиков Т.Б.	Туристтик маҳсулот маркетингида ахборот-коммуникациялар ва реклама тизимининг аҳамияти.....	627
Жамолов Ж.Ж.	Миллий туризмнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва маркетинг стратегиясинининг аҳамияти.	630
Садиков Т.Б.	Агротуризм как одно из перспективных направлений индустрии туризма.....	633
Нурфайзиев З. Б.	Ўзбекистонда туризмни замонавий тамойиллар асосида ривожлантириш масалалари.....	640
Нурфайзиева М.З.	Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда тижорат банкларининг янги инновацион банк хизматларининг ўрни	643
Азларова Д.А.	The role of innovation in the development of industrial enterprises in the national economy.....	646
Азларова А.	Trends in securing the competitiveness of industrial enterprises in the global market.....	650
Абдурахманова М.	The economic influence of innovations in tourism and hospitality	652
Doniyorova Z.	О комплексном продвижении туристического, торгового и инвестиционного брендов Узбекистана.....	658
Doniyorova Z.	Рақобатбардош туристик маҳсулотлар яратишнинг долзарб йўналишлари.....	664
Davronov I.O.	The advantages of learning language in on- line education.....	666
Исламов Б.А.	O'zbekistonda banklar faoliyatini korporativ boshqarishning xuquqiy asoslari.....	668
Исламов Д. Б.	Влияние информационных технологий на развитие индустрии туризма Кабардино-Балкарской республики.....	671
Яминов Х. Б.		
Ochilova N.		
Isomammedova D.		
Nazarbekov H.M.		
Балаева С.И.		

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ЯНГИ ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистонда туризм индустриясини жадал ривожлантиришда хусусий сектор иштирокини янада кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозир юзлаб тадбиркор ва хунармандлар туризм соҳасига жалб қилинган бўлиб, уларга имтиёзлар тақдим этишда тижорат банклари роли тобора ортиб бормоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида қарори⁴¹да, соҳада хусусий секторнинг устувор иштирокини таъминлаш, унинг рақобатбардошлиги ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва даромадлари базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорида фаол ва комплекс илгари суриш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларига:

-тадбиркорлик субъектларига янги меҳмонхоналар ва бошқа туризм инфратузилма иншоотлари куриш, мавжудларини модернизация қилиш учун узоқ муддатли (15 йилгача) кредитлар ажратишни амалиётга жорий қилиш, бунда кредит ва фоизларни қоплашнинг меҳмонхоналар капитал талаблилиги ва мавсумий юкланганлигини ҳисобга олувчи шароитдан келиб чиқадиган талабларни назарда тутиш;

-аэропортлар, темир йўл вокзаллари, меҳмонхоналар ва бошқа туризм объектларида халқаро тўлов тизимлари билан ишлайдиган банкомат ва терминаллар миқдорини тубдан кўпайтириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига тўловларни чет эл валютасида қабул қилиш, жумладан, алоқасиз электрон тўловларни жорий қилиш бўйича кўшимча қулайликлар яратиш;

-тадбиркорлик субъектларига чет эл валютасидаги маблағларни ўтказиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар, терминаллар ижараси, эркин конвертация қилинадиган валютадаги нақд пулларни инкассация қилиш ва чет эл валютасида операциялар амалга ошириш билан боғлиқ бошқа хизматлар учун йиғимларнинг (комиссия тўловларининг) миқдори максимал даражада мақбул бўлишини таъминлаш тавсия қилинган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳеч бири банк хизматини четлаб ўтиб фаолият юрита олмайди, ўзаро ҳисоб-китобларини банк ёрдамисиз ўтказа олмайди. Шу сабабли банк тизимини мустаҳкамлаш, уларнинг эркинлигини ошириш йўлида ислохотларга ҳукумат миқёсида эътибор бериб келмоқда. Чунки банк тизимида ўтказилаётган ислохотлар нафақат банкларнинг, балки

⁴¹ www. LexUZ .ПҚ-3217-сон 16.08.2017

бутун иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаларида “Банк ва молия тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарур⁴²” деб таъкидлаб ўтдилар.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий ва мижоз учун қулай турларидан бири бўлган банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимининг қўллаш доираси кенгайиб, тадбиркорлар ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

Бугунги кунда мижозларининг банк- молия муассасаларига бўлган талаб ва истакларининг ўзгариши, тижорат банклари ўртасида мижоз учун кескин рақобатнинг ортиши сабабли, тижорат банкларида янги инновацион хизматлар кўламини кенгайтириш заруриятини оширади. Бу борада масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимининг йўлга қўйилиши мижоз томонидан ушбу банкка бўлган эътиборнинг кучайишига олиб келади.

Шу ўринда масофавий банк хизмати (МБХ) тушунчасига қисқача таъриф бериб кетиш жоиз бўлса, бу тизим махсус дастурлар мажмуаси ёрдамида мижоз ҳисоб рақамидан банкка келиб ўтирмай фойдаланиш имкониятини беришини таъкидлаш лозим. Ушбу хизматдан банк мижози Интернетга уланган компьютер ёки ноутбук ҳамда мобил телефони орқали фойдаланиши мумкин.

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари – бу мижознинг масофадан берган топшириқларига асосан(банкка келмасдан) банк хизматларини тақдим этиш технологияларидир. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари Банк-Мижоз, Интернет-банкнинг, Мобил-банкнинг ва СМС-банкнинг каби турли хизматларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.09.2018 даги ПҚ-3945-сон “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарори” қабул қилингандан сўнг, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш орқали нақд пулларнинг банкдан ташқарида муомалада бўлишини қисқартиришга эришилди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди, масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимларининг функционали кенгайтирилди.

Республикамизда бу борада олиб борилган ишлар натижасида аҳолининг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулларига хавфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишончи ошиб тадбиркорлар ўртасида тобора оммалашиб, масофадан хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони 2019 йил 1 январь ҳолатига 7 999 107 тага етган, ўтган йилга нисбатан қарийб икки баробар ортган⁴³ (1-расм)

⁴². Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ со`зи. 29.12.2019 й.

⁴³ www.cbu.uz.



Шу билан бирга тижорат банклари томонидан таклиф қилинаётган қуйидаги карталар орқали бутун дунё бўйича харидларни карта билан тўлаш имконияти мавжуд:

1. Visa Platinum (USD)/(UZS) Кобренд картаси
2. Visa Gold (USD)/(UZS) Кобренд картаси
3. Visa Platinum
4. Visa Gold
5. Visa Classic
6. Visa Electron Internet.

Мазкур банк карталаридан туристик хизматлар, жумладан туризм билан боғлиқ хизматларни буюртма қилиш, ташиш, жойлаштириш ва бошқа барча расмийлаштириш ишлари, ташиб беришнинг барча турлари, трансфер, овқатлантириш, экскурсия ва аттракционлар, тиббий кўрик ва суғурта, таржимон хизматлари, учрашувлар ҳамда бошқа хизматларни ҳақларини тўлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Бу эса ўз навбатида сайёҳликни мавсумий эмас, балки йил давомида даромад манбаига айлантириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, сайёҳларни жалб қилишда янги усул ва ёндашувлардан самарали фойдаланишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, тижорат банкларининг Интернет банкинг ва SMS-банкнинг тизимини янада такомиллаштириш, Мобиль-банкнинг хизматини савдо ва пуллик хизмат курсатиш корхоналарига оммавий улаш, SMS-хабарнома шаклини соддалаштириш ҳамда USSD-хизматини кенг тарғибот қилиш каби бир қатор чора-тадбирларни янада ривожлантириш зарур.